

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

№ 16

Шахрисабз шаҳар

2022 йил 18. Янв

Шахрисабз шаҳар 1-сон касб-хунар мактаби (бундан буён "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Узоков бир томондан ва Хушроҳун тоъибот (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари О. Зефрегов ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига мувофиқ табиий газ етказиб беришни ўз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган миқдорда табиий газни қабул қилиб олиш ва "Истеъмолчи"га етказиб берилган табиий газ учун 2022 йил харажатлар сметасида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. "Таъминотчи", "Истеъмолчи"нинг 2022 йил давомида смета харажатларига киритиладиган ўзгаришлар доирасида ўзаро келишилган ҳолда шартнома суммасига ўзгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Узатилаётган табиий газнинг ойлик миқдори «Истеъмолчининг» буюртмасига асосан (лекин бюджетдан ажратилган маблағлар доирасидан чиқмаган ҳолда) «Таъминотчи» томонидан белгиланади. Бунда «Истеъмолчи»нинг талабномаси (заявка) ва газ транспорт тизимининг техникавий имкониятларини инобатга олган ҳолда белгиланади. «Истеъмолчи»нинг ойлик миқдордаги талабномаси «Истеъмолчи» томонидан "Таъминотчи"нинг манзилгоҳига чорак бошламасдан, 15 кун аввал берилади. Талабнома берилмаган тақдирда «Таъминотчи», «Истеъмолчи»га ажратилган чоракдаги газ лимитларини ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой тенг бўлинган ҳажмига қараб етказиб берилади. Етказиб берилаётган газнинг ойлик ҳажми борасидаги ҳал этувчи қарор «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» томонидан қабул қилинади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

а) Ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмага биноан тегишли сифатдаги табиий газ етказиб бериш ва газ билан узлуксиз таъминлашни «Таъминотчи»дан талаб қилишга;

б) Лозим сифатга мувофиқ бўлмаган табиий газ етказиб берилганда «Истеъмолчи» ўз хошишига кўра;

- лозим сифатга мувофиқ бўлмаган табиий газни «Таъминотчи» ўз ҳисобидан қайта етказишни;

- шартнома муддатлари бузилганда ёки лозим сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган табиий газни қабул қилишни рад этишга;

в) «Таъминотчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни бой берилган фойдани қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

г) табиий газ тармоқлари ҳамда жихозларнинг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

д) табиий газ ҳисоблагичлари ва ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) «Таъминотчи» ҳисоблагичларнинг амалдаги меъерий хужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш.

и) «Таъминотчи» хар ойда курсатилган хизмат счёти фактураларини «Истеъмолчи»га тақдим қилади.

2.2. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари;

а) «Истеъмолчидан»дан етказиб бериладиган табиий газ учун (факатгина бюджет ташкилотининг смета харажатлари да газ тўлови учун ажратилган маблағлар доирасида) олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилишга;

б) Шартнома ёки шартнома асосида берилган буюртмамомага мувофиқ етказиб берилган табиий газни қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни «Истеъмолчи»дан талаб қилишга;

в) «Таъминотчи» билан келишилмаган ҳолда «Истеъмолчи» томонидан бир маромдаги-қунлик ва соатлик ҳажмлардан ортиқча газ олинганда, уни қайтариш юзасидан «Таъминотчи»нинг билдирган талабини «Истеъмолчи» дархол бажариши лозим. Ушбу талаб 3 кун давомида бажарилмаса, «Таъминотчи» узатилаётган газ ҳажмини соатлик маромга туширишга;

г) «Истеъмолчи»га ўрнатилган газ ҳисоблагичларининг ишлашини, катограммалар тўғри ҳисоблаётганлигини сутканинг исталган вақтида олдиндан огоҳлантирмасдан текшириш, шунингдек, газ ҳисоблагичларнинг «Узстандарт» лабораторияда муддатдан ташқари давлат қиёслашидан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда газ ҳисоблагичлари носоз бўлса, давлат қиёслашидан ўтказиш харажати «Истеъмолчи» акс ҳолда эса уни талаб қилган томон тўлайди.

д) Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ушбу шартнома мажбуриятларини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш.

е) «Истеъмолчи»ни етказиб берилаётган газ сифатидан паст бўлмаган газ сифатидан узлуксиз таъминлаш;

ж) табиий газ тармоқларини режали таъминлаш даврида табиий газ билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида «Истеъмолчи»ни огоҳлантириш.

з) табиий газ етказиб беришнинг асоссиз узилишига йўл қўймаслик ва «Истеъмолчи»га табиий газ беришнинг режадан ташқари тўхталиши сабаблари, чеклашнинг жорий этиш ҳажми ва "вақтини кўрсатган ҳолда 6 соат олдин хабар бериш.

2.3 Ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

- а) «Истеъмолчи» фақатгина харажатлар сметасида табиий газ учун 2022 йилда ажратилган маблағлар доирасида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- б) «Истеъмолчи» томонидан бюджетдан маблағ олувчига етказиб берилган табиий газ учун қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳақ тўланади.
- в) Етказиб берилган табиий газ учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 3.1. бандидаги асосан ойма –ой тўловни амалга оширади.
- г) «Истеъмолчи», «Таъминотчидан» ҳар ой якуни бўйича бюджет ташкилотларига етказиб берилган табиий газнинг ҳажми ва суммаси бўйича маълумот олишга ҳақлидир.
- д) «Истеъмолчи», «Таъминотчи» томонидан бюджет ташкилотига табиий газ учун ажратилган маблағлар доирасидан ортиқча етказиб берилган табиий газ учун ҳақ тўламайди.

Ш. ТАБИЙ ГАЗ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ. «Истеъмолчи»нинг мазкур

шартномада келишилган ойлик табиий газ ҳажмининг камида 100 % ҳақини олдиндан 100% санасигача аванс тариқасида тўлайди.

3.1. Табиий газ «Истеъмолчи» айби билан ушбу шартномада келишилган ҳажмдан кам истеъмол қилинганда аванс тариқасида тўланган маблағлар қамайтириб берилмайди, улар кейинги истеъмол қилиш ҳисобига олинади.

3.2. Истеъмол қилинган табиий газ ҳажми ой охирида узатиш-қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилади ва қуйидагича бюджетда кўзда тутилган маблағлар доирасида ойма-ой тўлаб берилади

3.3. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 2831994/сўм шартнома сўми ўз ўз ўз ўз ўз сўмни ташкил этади. Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоблар мазкур шартноманинг графиги асосида бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида тўланади

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
Жами	<u>943998</u>	<u>943998</u>	<u>943998</u>	-	-	-	-	-	-	-	-	-

3.5. Фойдаланадиган газнинг йиллик табиий газ ҳажми 4290.9 м³. 2831994 сўмни ташкил қилади. Шартнома тузилган даврда 1 м³ табиий газнинг нархи 660 сўмни ташкил қилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда: «Истеъмолчи» дан истеъмол қилинган табиий газ учун ўрнатилган табиий газ жихозларнинг иш режими асосида олинган лойиха қуввати бўйича табиий газ сарфи олинади ва Тўлов пули ҳисобланади:

- табиий газ ҳисоблагичларининг давлат қиёслашидан ўтиш муддатлари ўтиб кетганда, бу ҳисоблагичлар ёки табиий газ жихозлари носоз бўлган суюқлик ва табиий газ сарфини торайтирувчи қурилмалар орқали ўлчашнинг ГОСТ 8563.1,2-97 қоидаларига мос келмаганда;

- газ ҳисоблагичларини давлат қиёслашидан ўтказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб.

- Қайта ўрнатилган кунгача бўлган муддатларда. «Истеъмолчи» томонидан табиий газ сарфини ўлчаш картограммаси йўқотилган тақдирда;

- газ ҳисоблагичларнинг ҳисоблаш механизмига ёки «Бойпас» йўлига ўрнатилган тамғалар бузилганда.

3.7. Етказиб берилган табиий газ ҳажми ҳисоб-китоби нормал меъёрларда (Т=20.0 С, р=760мм симоб устунида, намлик даражаси 0 да) олиб борилади.

IV. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилиши таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. «Таъминотчи» буюртманомаларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади.

4.3. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга еки ундан табиий газни етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚУЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» га табиий газ етказиб бериш тўхтатилади:

- табиий газдан шартномасиз қўлланганда;
- истеъмол қилишнинг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунча табиий газ учун олдиндан ҳақ тўланмаган ёки яқуний ҳисоб-китоб шартномада белгиланган муддатларда амалга оширилмаганда;
- табиий газ Тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда бунда лойихадан ташқари улаб олинган газ жихозлари газ тармоғидан узилиб, улар олинган кунидан бошлаб истеъмол қилинган газ ҳажмига мос ҳақ тўлик ундирилади ва аниқланган далиллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилади;
- табиий газни қабул қилиш қоидалари қўпол равишда бузилганда;
- газ, енгин хавфсизлиги бўйича инспекцияларнинг ёзма кўрсатмалари асосида.

5.2. Вазиралр Маҳкамасининг 2004 йил 5-февралдаги 57-сонли қарорига мувофиқ бюджетдан молиялаштирилмаган ташкилот ва корхоналар 100 % олдиндан табиий газ ҳақини аванс тарикасида ҳақ тулашлари шарт, туловларини амалга оширмасалар, ҳақи тўланмаганлиги учун табиий газ етказиб бериш чегараланган тартибда амалга оширилади еки умуман тўхтаиб қуйилади.

5.3. Табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш режимидаги ўзгаришлар ҳақида (магистраль газ қурувчилари, газ тармоқларида носозликлар, авариялар вақтида киритилган қискаришлар ва ҳоказолар) диспетчерлик алоқа тизимлари орқали хабарнома тарзида зудлик билан хабар берилади.

- «Истеъмолчи» газ хўжалигининг тезкор бошқарув манзили

- тел: 04

5.4. Куз-қиш мавсумида «Истеъмолчи» захира ёқилғисига эга бўлиши шарт. Бу мавсумда аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида «Истеъмолчи»ни табиий газ билан таъминлаш қафолатланмайди.

5.5 «Таъминотчи» табиий газ узатишдаги қисқартиришлар ҳақидаги хабарни уни қисқартиришдан 3 кун олдин «Истеъмолчи» га маълум қилади (магистраль газ қувурларидаги авариялар бундан мустасно).

5.6. Магистраль газ қувурларининг технологик режими бузилганда, ташқи об-ҳаво ҳарорати кескин совуганда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га газ бериш қисқартирилади ва захира ёқилғисига ўтиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг ёки вилоят ҳокимининг тасдиқланган қарорига асосан кўрсатганда ёқилади.

5.7. «Истеъмолчи» ва «Таъминотчи» ўртасидаги: алокани «Истеъмолчи» ўз зиммасига олади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилган газ ҳақини вақтида тўланмагани учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун Тўлов суммасининг 0,4 % микдориди, аммо кечиктирилган Тўлов суммасининг 50%дан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.2 «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га газ таъминотини етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдориди пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортик булмадлиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва табиий газ таъминотидан етказиб бериш

кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.3 «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи» билан келишиб олмасдан шартномадаги ҳажмлардан ортикча табиий газ олиши «Таъминотчи» га ортикча олинган газ учун оширилган Тўлов тўлашга қуйидаги ҳолларда мажбур:

- иситиш мавсумида ортикча олинган ҳар кунлик сарфи учун, ой якуни бўйича ортикча газ сарфи борлиги аниқланса назар оширувчи 2,0 коэффицент билан:

- иситиш мавсумидан ташқари ҳар ойда ортикча олинган газ сарфи учун оширувчи 2,0 коэффицент билан.

6.4. «Истеъмолчи» газ ҳисоблагичлари ва картограммалар тўғри ишлаётганлигини аниқлаш учун «Таъминотчи» вакиллари ўз ҳудудига киритмаган тақдирда, «Истеъмолчи»га ўрнатилган табиий газ жихозларнинг 24 соатлик иш режими асосида олинган лойиха қуввати бўйича ой бошидан то ҳудудга киритилмаган кунгача ҳисобланган газ ҳажмининг 2 баробари микдориди жарима солинади.

«Истеъмолчининг» таклифига кўра, мулжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан кеч бўлмаган муддатда киритилган табиий газнинг навбатдаги ой (чорак) учун ҳажмлари ўзгартирилиши табиий газнинг кўрсатилган ҳажмлари бўйича ортикча олиш деб ҳисобланмайди.

Ушбу шартномада назарда тutilмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишилмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра уларни судгача ҳал этиш юзасидан тегишли чораларни кўради.

Тарафлар келишмовчиликлари ва низоларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилиши бир томонлама ҳал этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС – МАЖОР

8.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1 Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) тарафлар имзолаган пайдан кейин бажарилиши керак.
9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада масъул вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.
9.3. Шартнома 2022 йил «18» январ дан 2022 йил «31» декабр гача ҳақиқий ҳисобланади. муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиши ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартнома назарда тутилган муддатга ва шартларда қайта, узайтирилган ҳисобланмайди.
Шартнома янги муддатга узайтирилганда, унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.
Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари, бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
10.2. Мазкур шартнома уч нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар учала нусхалари тенг юридик кучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

«Хуқуқдор тоғлиқ» АЖ
(таъминотчининг номи)

Манзил: Шахрисабз туман
Чилонзор кўчаси 2-уй

Тел/факс 522-18-03

Х/р 22634900605413960349

Банк номи: Тошкент АТ, Соҳиб-қурол "Бонк"

МФО: 00435 ИНН: 306605489

ОКОНХ 90214

Рахбар: _____

(Ф.И.Ш)



(Имзо)

М.Ў.

«Истеъмолчи»

Меҳрибон шехер АСОЛ КХМ
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Меҳрибон шехер

Ш. Бекориди - 2/уй

Тел./факс 52-2-87581

ш/х* 16060601024701290407901

бюджетдан маблағ олувчи ИНН _____

ОКОНХ _____

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Газначилиги

Газна Х/В 23402000300100001010


Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса маркази

МФО 00014 Газначилик ИНН 201122919

Рахбар _____

(Ф.И.Ш.)



(Имзо)

М.Ў.

Ушбу 2022 йил «18» январ кунлари № 16 сонли «Хуқуқдор тоғлиқ» АЖ билан Меҳрибон шехер ўртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1 сонли «Хужалик юртуғли субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонуни талабларига мос келади

Хуқуқшунос; _____

(Имзо)

М.Ў.



(Ф.И.Ш)

18.01.2022 йил


2022 йил « 18 » Децем даги
 № 16 сонли шартномага 1-сонли
 Илова

Шахрисабз туман газ филиали томонидан 2022 йил давомида етказиб
 бериладиган таббий газ хажми

Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори (м3)	Нархи	Суммаси
Январ	м ³	1430,3	660	943998
Феврал	м ³	1430,3	660	943998
Март	м ³	1430,3	660	943998
1-чорак жами	м ³	4290,9	660	2831994
Апрел				
Май				
Июн				
2-чорак жами				
Июл				
Август				
Сентябр				
3-чорак жами				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
4-чорак жами				
Хаммаси 2022 йил	м ³	4290,9	660	2831994

«Таъминотчи»

«Шахрисабз таъминот» А.М.
 бошлиғи: Ҳасан О.Тадиров
 (ИМЗО) (И.Ф)
 М.У



«Истеъмолчи»

Шахрисабз туман газ филиали бошлиғи
Ҳасан О.Тадиров
 (ИМЗО) (И.Ф)
 М.У

